

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбаевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Нурсултон Назарбаев ва қардош Қозоғистон халқини Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти куни билан самимий қутлади.

Элбошининг замонавий Қозоғистонни барпо этиш ва изчил ривожлантириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишдаги тарихий роли, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш принциплари асосланган кўп қиррали муносабатларнинг бугунги даражасини юқори баҳоладилар.

Аввало, савдо-иқтисодий соҳада кенгайиб бораётган амалий ҳамкорлик мамну-

ният билан қайд этилди. Пандемия оқибатларига қарамай, савдо, sanoat, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, бошқа устувор йўналишларда янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Коронавирус инфекциясини барвақт олдини олиш ва самарали даволаш масалаларида саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш давом этмоқда.

Маданий-гуманитар алмашинулар кенгайиб, ҳудудлараро ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Телефон орқали мулоқот чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг сўхбати ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 декабрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистоннинг кўп миллатли халқини давлат байрами — Биринчи Президент куни билан самимий қутлаб, тинчлик, фаровонлик ва равиқ тилади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Амалий ҳамкорликка оид қўшма лойиҳа ва дастурларни, аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОН “ХЭНАНЬ ПРОВИНЦИЯСИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ” ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ҚАТНАШДИ

Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси Бахтиёр Саидов Чжэнчжоу шаҳрида бўлиб ўтган “Хэнань провинцияси — Марказий Осиё мамлакатлари” қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик бўйича биринчи халқаро форумининг очилиш маросимида иштирок этди.

Ушбу форум Хэнань провинциясининг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги савдо-сотиқ ҳамда сарможий ҳамкорлик учун қулай муҳитни яратишга қўмақлаштиш нуктаи назаридан ўзаро мулоқот ва ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим майдон ҳисобланади.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон элчиси ўз нутқида иштирокчиларга мамлакатимизда аграр жабҳа рақобатбардошлигини ошириш, соҳага хорижий сармояларни жалб қилиш, инновация, энергияни тежовчи технологияларни татбиқ этиш, қишлоқ хўжалигида янги қўшимча қиймат занжирларини яратиш бўйича қўлаётган чора-тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги минтақалараро ҳамкорлик йўналишида Хэнань провинцияси алоҳида урин тутди. Бугунги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, қурилиш sanoati, энергетика ва бошқа соҳаларда бу провинциянинг қатор компаниялари

муваффақиятли фаолият юритмоқда. Тадбир доирасида мамлакатимизда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан Хитойнинг етакчи компания ва корхоналари вакиллари билан музокаралар ўтказилди.

Жумладан, Хэнань қишлоқ хўжалиги университети ректори Чжан Гайпин билан мазкур олий ўқув юртида био ва генлар муҳандислиги, ақли технологияларни қўллаш, уруқчилик, сув ва энергияни тежайдиган технологияларни ривожлантириш ва бошқа йўналишларда ўзбек талабалари ҳамда мутахассисларининг таълим олиши ва малака ошириши соҳасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашув якунлари бўйича Хэнань қишлоқ хўжалиги университетида ўзбекистонлик 10 нафар талабанинг таҳсил олиши учун грант ажратилиши юзасидан келишувга эришилди.

Шўхрат УМИРОВ,
“Дунё” АА

Пекин



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси — Асосий қонунда мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгиланган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Конституция берган имконият: БУЮК ЮКСАЛИШ



Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кўлами кенг, шиддати баланд, натижадорлиги юксак демократик ўзгаришларни кўриб, буларнинг барчаси халқимиз манфаатларини изчиллик билан таъминлаш, Ватанимизнинг халқаро нуфузини янада ошириш йўлида узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсатнинг ҳаётдаги самаралари эканига ҳар қандай киши амин бўлади.

Ўз тараққиётининг мутлақо янги босқичига дадил қадам қўйган ва залворли одимлар ташлаётган Янги Ўзбекистондаги Янги уйғониш — Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишга изчил киришилган халқимизнинг руҳини янада кўтариб, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Бундай муваффақиятларнинг негизида шу кунларда халқимиз йигирма саккиз йиллик шонли байрамини нишонлаётган миллий Конституциямизда ўз ифодасини топган энг юксак ғоялар, демократик тамойиллар, эзгу

мақсадлар, орзу-интилошлар мужассам.

Ҳар томонлама пишиқ-пукта уйланган ва умумэътироф этилган халқаро демократик стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган Асосий Қонунимизнинг яратилиши, нафақат халқимиз ҳаётидаги улкан сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий воқеа, балки халқаро аҳамиятга молик йирик оламшумул ҳодиса ҳамдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз сиёсий тафаккурининг ноёб намунасидир.

Давоми 2-бетда

Президент ташрифидан сўнг

ОДАМЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР



3-бетга қаранг.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 30 ноябрь куни ҳудудларда жамоат транспортини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.



✓ 23 ноябрь куни Тошкент шаҳрида жамоат транспортини бошқариш ва инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси кўриб чиқилган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари бу янги тизимни бошқа шаҳарларда ҳам йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берганди. Транспорт вазирлиги ва ҳокимликлар томонидан шу борадаги имкониятлар ўрганилиб, таклифлар тайёрланди.

✓ Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимиз бўйича кунига қарийб 20 миллион йўловчидан бор-йўғи 4,4 миллиони ёки 22 фоизи жамоат транспортдан фойдаланмоқда. Бу кўрсаткич Андижон, Қашқадарё, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бундан ҳам паст. 1 минг 200 та қишлоқ туман марказигача бўлган йўналиш жамоат транспорти билан қамраб олинмаган.

✓ Йўловчи ташиш харажатларининг бир қисmini босиб ўтилган масофа ва йўловчи сонидан келиб чиқиб субсидиялаш мумкин. Шу боис, Молия вазирлиги ва Транспорт вазирлигига тўғридан тўғри йўловчи ташувчи корхоналар харажатларининг бир қисmini қоплаш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир ҳудуддаги биттадан туманда ушбу янги тизим тажрибадан ўтказилиб, жорий этилади.



✓ Туманлардан вилоят марказларига қатновчи автобуслар эскиргани, айримлари хизмат муддатидан ортқ фойдаланилаётгани кўрсатиб ўтилди. Автобуслар билан таъминланганлик даражаси ҳар 100 минг аҳолига 24 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган ва Андижонда 15 тага ҳам етмайди. Транспорт паркни янгилаш учун келгуси йилда қўшимча 800 та автобуга ҳэтиёк мавжуд.

✓ Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автобусларнинг нархи хорижийкига нисбатан юқори экани, шу боис, маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, автобус ва микроавтобуслар нархини тушириш муҳимлиги таъкидланди.



✓ Вилоят ҳокимлиги ва мутасадди вазирликларга Самарқанд шаҳрида қулай транспорт тизimini яратиш бўйича Бош режа лойиҳасини ишлаб чиқиш топирилди. Унда йирик чорраҳаларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, алоҳида йўлакли автобуслар ҳаракатини ташкил этиш, кўп уринли автобуслар қўйиш ва интервалларини қисқартириш чоралари белгиланади. Шунингдек, мамлакатимиздаги 30 та шаҳар бўйича шундай бош режалар ишлаб чиқилади.

✓ Транспорт университети фаолиятини соҳадаги ислохотлар билан узвий боғлаш, профессор-ўқитувчи ва талабаларни бу жараёнга кенг жалб этиш бўйича кўрсатма берилди.

✓ Аҳоли талабидан келиб чиқиб, янги йўналишлар очиш, мавжудларини қайта кўриб чиқиш, автобус бекатларини реконструкция қилиш, бунга ҳусусий секторни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.



Қайд этиш жоизки, энг илгор мамлакатларинг конституцияларидан асло қолшингайдиган Ассосий Қонунимизнинг яратилишда халқимизнинг миллий ўзига хослиги ва неча минг йиллик миллий давлатчилик тажрибаси ҳамда дунёдаги тўқсондан ортик давлатнинг илгор конституцияларидаги тажриба-лар хисобга олинди. Унда энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустақ-камланган ва умумэтироф этилган илгор демократик принциплар ўз инъикосини толди.

Барча вакиллик органларига фақат сиёсий партиялар томонидан номзоддор кўрашди амалиётига ўтildi. Қончилик палатасидаги 150 депутатлик ўрни сақлаб қолигани ҳолда, Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти бекор қилинди. Натичада ўтган сайловларда бешта сиёсий партия ўзаро рақобатга киришди. Янги партия — Ўзбекистон Экологик партияси қуйи палатада 15 депутатлик ўрнини қўлга киритди. Сайлов қончилиги ва амалиётидаги бу янгиллик замонавий Ўзбекистон тарихидаги муҳим воқеадир.

Халқаро кузатувчилар сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларга юксак баҳо берди. Барча сайлов участкаларида сайловчилар учун қулай шароитлар яратилганини, айниқса, жисмоний имконияти чекланган фуқаролар, турли миллат вакиллари учун сайлов ҳуқуқини амалга ошириш имконияти юқори даражада таъмин қилинганини эътироф этди.

Сайловларнинг муваффақиятли ўтишида, аввало, Ўзбекистонда мустақаммат қарор толган тинчлик ва оқсоийшатилик, халқимизда шох бағрикенглик ва оқликаноблик, меҳр-оқибат, ўзаро иззат-ҳурмат, сиёсий, ҳуқуқий маданият муҳими омил бўлганини таъкидлаш даркор.

Ўтган ҳар бир сайлов — мамлакатимизда ривожланган демократик ҳуқуқий давлат, эркин, очиқ ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш сари қўйилган муҳим қадам.

Эришилган муваффақиятлар сарҳисоб қилиниб, камчилик ва муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилиши, миллий сайлов қонunchилигининг Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган таъминилар асосида янада тақомиллаштирилиши эса халқимиз фаровонлигини ошириш, буюк юксалиш йўлидаги интилишларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.



Кейинги йилларда мамлакатимизда кўп квартирали уйларни бошқариш тизimini такомиллаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқиш, уйларнинг техник ҳолатини яхшилаш, туташ ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда иссиқлик таъминоти тизimini ривожлантириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бундан кўзланган мақсад белгиланган вазифаларни бажариш ва ҳисобот беришгина эмас. Асосийси, аҳолининг турмушини яхшилаш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда ҳаётидан рози бўлиб яшашлари учун шароитлар яратишдир.

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иқтисодийни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарь вилоятида бўлиб, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳалар билан ҳам танишган эди. Мазкур ташриф чоғида вилоятда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, сифатини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Аҳолига қулай шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Айни пайтда Қарши шаҳрида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг қўйи тизимлари томонидан белгиланган топшириқ ва вазифаларни ўз вақтида бажариш жадал суръат олди.

Ҳозирги иссиқлик тизими ва таъминотида оид маълумотларга кўра, Қарши шаҳридаги мавжуд 694 та кўп квартирали уйдан фақат 367 таси иссиқлик тизими билан қамраб олинган. Бундан 148 таси марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими ва маҳаллий қозонхоналар орқали иссиқлик энергияси билан таъминланган бўлса, 219 тасидаги хонадонларга яқка тартибдаги икки контурли қозонлар ўрнатилган. Ҳозир шаҳарда иссиқлик таъминоти учун хизмат кўрсатувчи 8 та қозонхона 148 та кўп квартирали уйнинг 6008 та хонадонини иситиш учун бир мавсумда ўртача 880 минг куб метрга яқин табиий газ сарфламоқда. Бу дегани, ҳар бир хонадонни иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун бир ойда қозонхоналарда ўртача 36,6 куб метр табиий газ ишлатилапти.

Ҳисоб-китобларга кўра, Қарши шаҳридаги марказлаштирилган иссиқлик таъминоти билан қамраб олинмаган 327 та кўп квартирали уйда истикомат қилувчи аҳоли ўз хонадонларини иситиш мақсадида, асосан, табиий газда ишлаётган кўлбола печлар ва газ плиталардан, электр иситгичлардан фойдаланмоқда. Иситиш мавсумида ҳар бир хонадон учун ойига ўртача ҳисобда 800-860 куб метр табиий газ сарфланапти.

— Ҳудуднинг иссиқлик билан таъминланганлик даражасини 100 фоизга



Айни дамда ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти экспортга маҳсулот чиқариш билан ўлчанмоқда. Бу борада ҳам тупроққалъаликлар илғорлики ҳеч кимга бераётгани йўқ. Йилнинг ўтган даврида салкам 867,2 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислоҳот одамларнинг қалбига, юрагига тез кириб боради. Ва бундай ислоҳотни, бундай шиддатли жараёни ҳеч ким, ҳеч қандай куч тўхтата олмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ОДАМЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Қўқлам бошида, жорий йилнинг мартида Президентимиз Хоразмга ташриф буюрган эди. Икки кунлик сафар давомида вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши билан танишиш асносида яқин муддатда бажарилиши зарур ишлар бўйича ҳам мутасаддиларга топшириқлар бериб, зиммаларига бир қатор муҳим вазифаларни юклаганди. Бу орада пандемия туфайли карантин чоралари белгиланди. Аммо... Ўтаётган йилда вилоятда деярли барча соҳаларда бажарилган ишлар кўламини қўриб, фақат ҳайратланиш мумкин.

ТУПРОҚҚАЛЪА — ВОҲА
САНОАТИ ЯЛОВБАРДОРИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоятда янги Тупроққалъа тумани ташкил қилинганга ҳали бир йил бўлгани йўқ. Воҳанинг энг чекка ҳудудида жойлашган тумanning аксар қисми Қизилқум саҳраларидан иборат. Бу табиий яйловларда чорвачиликни ривожлантириш учун жуда катта имконият мавжуд. Воҳалик чўпонлар катта сурувларини шу ҳудудда боқадди.

Вилоятда ишлаб чиқариладиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг атиги икки фоизи етиштирилладиган маэкур туманда яқин йилларда чор-



вачилиқда ўз салоҳиятини намойиш қилиши учун дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Президентимиз фармони билан уч йил олдин ташкил қилинган “Ҳазорасп” эркин-иқтисодий зонаси ҳам айнан Тупроққалъа ҳудудидадан ўрин олган. Баҳордаги ташрифлари давомида давлатимиз раҳбари бу ерда иш бошлаган тўқимачилик корхонасида бўлиб, пахта хомашёси етиштирувчилар — фермерлар ва кластерларнинг ҳамкорлиги узаро манфаатга асосланиши, олинадиган даромадда етиштирувчининг улуши ҳам бўлиши кераклиги, шу орқали аҳоли бандлиги тўла таъминланиши борасида сўз юритиб, янги тумanning иқтисодий салоҳияти бошқа туманлар учун намуна бўлишини айтганди.

Ҳақиқатан, ҳали бир ёшини нишонлашга улгурмаган янги тумanning иқтисодий салоҳияти ҳайратланарли. Йилнинг ўтган ўн ойда туманда 3 триллион 184 миллиард сўмликдан зиёд саноат маҳсулоти ишлаб чиқилиб, бу борадаги ўсиш ўтган йилдагига нисбатан деярли 110 фоизни ташкил қилди. Яна бир эътиборли ҳолат: туманда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари ҳажми вилоят саноатидаги кўрсаткичининг деярли ярми — 47,8 фоизга етган.

Туманда ортда қолган ўн ойда 2 триллион 676 миллиард сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 107,3 фоизга тенгдир. Туман бугун вилоятда бу борада муқтақ етакчи, яъни истеъмол товарларининг 62,1 фоизи шу ҳудуд улушига тўғри келяпти.

Айни дамда ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти экспортга маҳсулот чиқариш билан ўлчанмоқда. Бу борада ҳам тупроққалъаликлар илғорлики ҳеч кимга бераётгани йўқ. Йилнинг ўтган даврида салкам 867,2 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Бу кўрсаткичлар яқин йилларда эскириши аниқ. Негаки, ҳудудда янгидан-янги корхоналар иш бошламоқда. Йил бошидан бери бешта саноат корхонаси ўз фаолиятини йўлга қўйган бўлса, йил

охиригача бу кўрсаткич янада ўсади. Чунки тумanning инвестициявий жойбадорлиги хорижлик сармоядорларни ўзига тортмоқда. Бир вақтнинг ўзига маҳаллий сармоядорлар ҳам турли истеъмол товарлари, шунингдек, соҳа учун тамомила янгилик бўлган қурилиш моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларини амалиётга жорий этмоқда. Йилнинг ўтган даврида туманда 155,7 миллиард сўмлик инвестициялар жалб қилингани бунинг исботи.

Хуллас, йил бошида туман макomini олган ҳудуд номи бугун дунё саҳнига чиқмоқда. Аслида ислоҳотларнинг янги босқичидан кўзланган мақсад ҳам шу!

БУНЁДҚОРЛИК —
ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

Албатта, ҳар қандай ислоҳотни кенг кўламдаги қурилиш ва бунёдқорлик жараёнидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир лойиҳа одатда бинога қўйиладиган пойдевордан бошланади.

Вилоятда йилнинг ўтган даврида деярли икки ярим триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Яна карантин шароитида. Ўтган йилнинг ушбу даврига қиёслаганда, ўсиш суръати 104 фоизга яқин. Бу кўрсаткичининг ўзиёқ бирор кун, бирор дақиқа қурилиш ва бунёдқорлик жараёни тўхтамаганидан далолат.

Барча қурилиш ишларининг катта қисми айнан янги бино ва иншоотлар қуришга тегишли. Буни рақамда келтирсак, жами қурилиш ишларининг 73 фоизга яқинини иқтисодиётда янги қувватларни ишга тушириш, аҳоли учун турар жой ва бошқа ижтимоий объектлар барпо этиш ташкил этади.

Вилоятда энг кўп қурилиш Ўрганч шаҳрида қузилган бўлса, туманларда ҳам бу кўрсаткич ўтган йиллардигидан анчагина юқори. Масалан, Хонқа туманида шу даврда 185 миллиард ва Хива шаҳрида 182 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилган.

Президентимизнинг Хоразмга шу йил баҳордаги ташрифидан сўнг ўтган қисқа вақтда барча соҳалардаги ислоҳотлар жадал давом этди. Бу эса юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, одамларимизнинг ўтаётган ҳар бир кунидан розилиги учун хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Қадим Хива шаҳрини том маънода сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами алоҳида мавзу.

Йил номланишидан келиб чиққан ҳолда, барча туманларда рақамли иқтисодиёт марказларини барпо этиш якунланиш босқичида турибди. Ҳозиргача етти туманда ана шундай марказлар фойдаланишига топширилди. Хонқа тумани аҳолиси, айниқса, замонавий технологияларга чанқоқ ёшлари ҳам тез кунларда рақамли иқтисодиёт маркази хизматидан баҳраманд бўлади.

Ҳозиргача кўллаб оилалар имтиёзли асосда қурилган замонавий турар жойларга кўчиб кирган бўлса, йил охиригача бундай хонадонлар сони икки ҳисса ошиши кутилапти.

Йилнинг иккинчи ярмида деярли ҳар ҳафтада бирорта туманда замонавий мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишига топширилганига гувоҳ бўлдик. Зеро, барча бунёдқорликлар айнан ҳажжи авлоднинг ҳар томонлама баркамол воёга етиши ва яшаши учун қилиняпти.

“КЎЗМУНЧОҚ ТАҚИНГ,
КЎЗ ТЕГМАСИН!”

Сўнгги йилларда мактаб ёшигача бўлган болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш борасида катта ишлар қилинган ва қилинаётгани замирида юрт келажаги бўлган болажонларимизнинг тақдири ётибди.

Ўтган даврда кимларнингдир “ғояси” билан мактабгача таълим тизими деярли инқироз остонасига келиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Фақат вилоят ва туман марказларида саноклигига шундай муассасалар қолганди. Қишлоқларни эса айтиб ўтиришга ҳожаат йўқ!



Таҳририят танловига

ҚИШМИ-ЁЗМИ,
ФАРҚИ ЙЎҚ ЭНДИ...

Йил бошида вилоятда мактаб ёшигача бўлган болаларнинг қирқ фоизга яқини мактабгача таълим ташкилот(МТТ)ларида қамраб олинганди. Президентимиз йил охиригача бу кўрсаткични 60 фоизга етказиш бўйича топшириқлар берди. Ўтган қисқа даврда қурувчилар ва тадбиркорлар шарофати билан ҳудудларда янгидан шундай муассасалар барпо қилинди, эскилари замонавий қўринишда таъмирланди. Айни пайтда давлат-хусусий шериклик асосида кўллаб МТТлар ўз бағрига болажонларни қабул қилмоқда.

Ҳазорасп туманининг “Алоқали кўл” маҳалласида иш бошлаган ана шундай даргоҳ бирданига 420 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олди. Ёки Хонқа туманининг Амударё қишлоғида иш бошлаган янги боғча 320 нафар болажон учун қадрдон масканга айланди.

Илгари вилоят марказларидаги МТТларда ўринлар сони кўпи билан 200 га боради. Бугун чекка қишлоқларда ҳам ана шундай ийрик мактабгача таълим масканлари қурилиб, фойдаланишига топширилаётгани ёш авлодга таълим ва тарбия бериш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар халқчиллигидан далолат.

— Президентимизнинг давлат-хусусий шериклик асосида МТТлар қуриш ғоясидан руҳланиб, бу савобли ишга киришдим, — дейди тадбиркор Қурвонгул Салимова. — Шу пайтгача Ҳазорасп туманимизнинг “Карвак” маҳалласида бундай муассаса йўқ эди. Ишлаётган ота-оналар фарзандларини туман ва ҳатто вилоят марказидаги МТТларга беришга мажбур эдилар. Икки қаватли, барча зарур жиҳозлар билан таъминланган замонавий боғча биносини қуриш учун банкдан икки миллиард сўм



имтиёзли кредит олдим. Шунингдек, 703 миллион сўм ўз маблагини ҳам сарфладим. Ўн беш кун олдин янги боғчамиз маҳалламиз қишкентойларини ўз бағрига олди. 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар бу ерда тарбияланиш асносида ўқиш-ёзишни ва хориж тилларини ҳам ўрганади. Туманимизда йил охиригача яна ўн бешта шундай нодавлат мактабгача таълим ташкилоти иш бошлайди. Ҳали қурилиш кетаётган вақтда бунёд бўлаётган замонавий биони қўриб, танишларимдан бири: “Кўз тегмасин, хайри ишни бошлабсиз!” деганида кўнглимга муассасасига “Кўз-мунчок” деб ном бериш тушди.

Бу бўлаётган улкан ўзгаришларга кўз тегмасин! Кўз-мунчок осиб қўйлик, азизлар!

Хонқа туманида йил охиригача яна бир нечта нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ишга туширилиши режалаштириляпти. Умуман олганда, вилоятда мактаб ёшигача бўлган болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш кўрсаткичи Президентимиз топшириги даражасидан ҳам юқориқоқ бўлиши кутилапти.

Бирор туманга икки-уч ой йўлингиз тушмай, тасодифан бориб қолсангиз, адашиб кетишингиз ҳеч гап эмас. Негаки, олдин борганингизда ташландиқ ётган ёки бирор экан ўсаётган майдонларда улкан иссиқхоналар қад ростлагани ва аллақачон фаолият бошлаганига кўзингиз тушади.

Кескин континентал иқлимга эга воҳада турли қўқатлар, помидор ёки бодринг қиш ойларида анқонинг уруги бўлар, топила-да, нархи чўчитарди. Президентимиз воҳанинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, йирик иссиқхоналар бунёд этиш ва субтропик мевали дарактлар ҳам экишни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин қисқа фурсатларда бу жараён жуда кенг қамров олди.

Шундан йилнинг барча фаслида бозорларда помидор, бодринг ва қўқатлар нархи мўътадил. Иссиқхона эгалари ўз маҳсулотлари билан ички бозорни таъминлашдан ташқари, экспортга чиқаришни ҳам бошлаб юборди.

Бир ойча муқаддам Хонқа туманилик тадбиркор янги қурган иссиқхонага 600 тул лимон, шунингдек, апельсин ва мандарин қўқатлари эккани ҳақида хабар тарқалганди.

Энди эса...

— Иссиқхоналар тобора кўпаймоқда. Бу эса иссиқхоналарда етиштирилаётган सबзавот ва поллиз маҳсулотлари турларини кўпайтиришни ҳам талаб қилмоқда, — дейди тадбиркор Нейматжон Бекниёзов. — Қиш қаҳрли совуқ бўлган воҳада қулупнай етиштириш мушкул. Базиллар томорқасида эккан қулупнайлар бир мавсумгина ҳосил бериб, кейин совуқда нобуд бўлганидан кўп чикимли бу ишни унчалик ҳушламасди. Шундан баҳор ойларида қулупнайнинг бир килограмми ўртача 20-25 минг сўмга сотилар, бу баҳони аксар харидорларнинг чўнтаклари кўтармасди.

Янги қурган иссиқхонамизнинг

Долзарб мавзу

МИЛЛИЙ СТАТИСТИКАНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРГА АСОСЛАНАДИ

Шиддат билан ривожланаётган бугунги жамиятимизнинг ҳар бир тармоғида туб ислохотлар зарур. Мамлакат иқтисодиётининг ўсиш кўрсаткичлари, аҳоли сони, турмуш даражаси, умуман, барча тизимлардаги ўзгаришларни рақамларда акс эттирадиган статистика соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.



Маҳмуджон ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Давлат статистика қўмитаси
раиси ўринбосари,
юрidik фанлар бўйича
фалсафа доктори



каби жихатлар фуқароларнинг турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида қабул қилинади.

Ўзбекистонда бу кўрсаткичларни шакллантиришда, асосан, уй ҳўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларидан фойдаланилади. Бунда асосий эътибор аҳолининг даромадлари, харажатлари, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли, узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланиши, саводхонлик ва маълумот даражаси, яшаш шароитлари, уй ҳўжалиқларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши, ички туризм каби имкониятларига қаратилади.

ЯШАШ СИФАТИ КўРСАТКИЧЛАРИ ўСИБ БОРМОҚДА

Статистика тизимида кўп қўлланиладиган “уй ҳўжалиги” жумласи “хонадон” ёки “оила” тушунчаларидан фарқ қилади. Яъни оила никоҳ ёки қариндошлик муносабатларига асосланган, умумий ҳаёт ва ўзаро масъулият орқали боғланган кишилар бirlашмаси бўлса, уй ҳўжалиги муайян турар жой манзилида бирга яшовчи, даромадларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳолда умумий рўзгор юритувчи кишилар гуруҳидир. Бунда уй ҳўжалиги аъзолари ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас, муҳими, уларда умумий рўзгор юритилади. Шу жihatдан уй ҳўжаликлари танлама кузатув статистик кўрсаткичларни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Бундай кузатувларни юритиш узоқ йиллик тарихга эга бўлиб, милoddан аввалги V асрда бошланган. Намунали хонадоннинг биринчи таърифи қадимги юнон ёзувчиси Ксенофонт (мил. ав. 444-356 йиллар) томонидан “Уй қурилиши” номли рисолада келтирилган. Муаллиф унда иқтисодиётнинг фан сифатида муҳимлигини таъкидлаб, биринчилардан бўлиб уй ҳўжалигининг маиший-ҳўжалик, ишлаб чиқариш, истеъмол, қайта ишлаб чиқариш ҳамда жамғариш каби функцияларини белгилаб беради.

Англиялик машҳур олим Уильям Петтвинг 1676 йилда нашр этилган “Сиёсий арифметика” асарида эса уй ҳўжаликлари бюджети билан боғлиқ маълумотлар акс этади. Асарда Англияда малакали ишчи учун физиологик минимум ҳисоблаб чиқилган. Яна бир инглиз иқтисодчиси Грегори Кинг ўзининг “Сиёсий ва табиий кузатув ҳамда давлат ва Англиянинг иқтисодий ва-

зияти тўғрисида хулосалар” асарида ишчилар oilаси учун мос келадиган меъёрий бюджетни тузишга ҳаракат қилади.

Кейинчалик бу масалага бошқа давлатлар олимлари, иқтисодчи, сиёсатчилари ҳам алоҳида тўхталиб, кўрсаткичларни аниқлаш бўйича ўз тақинларини ифода этади.

Сўнгги йилларда МДХ мамлакатларининг кўпчилигида уй ҳўжаликлари кузатувларини ташкил этиш доимий равишда такомиллаштирилиб бoрилмоқда. Суровда қатнашадиган уй ҳўжаликлари сони кўпайиб, ташкилий низомлар ва услубий ёндашувлар ўзгарапти. Сўров дастурлари сезиларли даражада кенгайиб бoрмоқда.

Мамлакатимизда 2000 йилдан бошлаб Жаҳон банки ва Европа иқтисодий комиссияси кўмаги ҳамда тавсиялари асосида уй ҳўжаликлари кузатувини ўтказиш йўлга қўйилган. Бугунги кунда мазкур кузатув республика бўйича 10 000 дан ортиқ уй ҳўжалигини қамраб олган.

2019 йилда ўтказилган уй ҳўжаликлари танлама кузатув натижаларига қарайдиган бўлса, барча йўналишларда ўсиш кўрсаткичлари аввалги йилларга нисбатан сезиларли даражада юқорилаб бoрганга гувоҳ бўламиз. Масалан, 2010 йилда аҳоли жон бошига истеъмол харажатлари таркибида ноозик-овқат маҳсулотларига харажатлар 26,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 33,1 фоизга етган. Хизматларга харажатлар эса шу йиллар оралиғида 19,9 фоиздан 21 фоизга кўтарилган. Интернет тармоғига уланishi имконияти бўйича ўтган йили мавжуд уй ҳўжалиқларининг улуши 81,2 фоизни кўрсатди.

Шунингдек, 2019 йилда 100 та уй ҳўжалигига 47 та енгил автомобиль (2010 йилда 27 та), 160 та телевизор (2010 йилда 132 та), 55 та шахсий компьютер (2010 йилда 12 та), 89 та кир ювиш машинаси (2010 йилда 75 та), 58 та электр чангогич (2010 йилда 37 та), 282 та мобил телефон (2010 йилда 145 та) тўғри келган.

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМ

Уй ҳўжаликлари танлама кузатув маълумотлари асосида шакллантириладиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири Жини коэффициенти ҳисобланади. Соҳа вакилларига яхши таниш бўлган Жини индекси

жамиятдаги ижтимоий табақаланиш ва хавфсизлик даражасини баҳолаш мезони бўлиб, у аҳоли даромадлари ва уй ҳўжаликлари кузатуви асосида халқаро миқёсда белгиланган формула орқали ҳисобланади. Унинг ижобий ёки салбийлигини билиши учун 0 дан кейинги рақамга эътибор қаратиш керак.

Юртимизда Жини индекси кўрсаткичи 2010 йилдаги 0,295 дан 2019 йилда 0,262 га пасайган. БМТ тавсияларидаги 0,35-0,37 миқдоридан белгиланган халқаро стандартлар нуктаи назаридан қараганда, бу кўрсаткич Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бoраётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда 2020 йил Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниб, барча соҳаларни рақамлаштириш вазифаси белгиланган аини вақтда статистика тизимида ҳам иш жараёнларини тўлиқ автоматлаштиришга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йилда Жаҳон банки билан ҳамкорликда уй ҳўжалиқларида кузатув ўтказишни халқаро стандартларга мослаштириш ва электрон шаклга қўчириш амалга ошириляпти. Мазкур ташкилотнинг техник ва молиявий кўмагида уй ҳўжаликлари танлама кузатувида САРІ тизимдан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Ривожланган давлатларда кенг қўлланиладиган ўшбу замонавий тизимга кўра, кузатув сўровномалари планшетларга ўрнатилиб, интервьюлар улардан фойдаланган ҳолда олинди. Респондент томонидан интервью саволларига берилган жавоблар ана шу планшетда қайд этиб бoрилади ва онлайн режимда ягона маълумотлар базасига узатилади. Бу, ўз навбатида, кузатувлар мониторингини юритиш, сифатни назорат қилиш имконини беради. Шу боис, республикаимизда 2021 йил январь ойидан бошлаб уй ҳўжаликлари танлама кузатувларини САРІ тизими ёрдамида ўтказиш кўзда тутилган. Бунда сўровномаларни қoғoзга чоп этиш, ҳудудларга етказиб бeриш, сақлаш билан боғлиқ харажатларни тежаш билан бирга, электрон қурилмаларга ўрнатилган GPS тизими орқали интервью бeрyвчиларнинг ташриф жойи ва вақтини тўғридан-тўғри назорат қилиш имконияти пайдо бўлади. Дастурда хатоларни аниқлаш бўйича мантиқий назорат тизими ўрнатилгани ҳисобига эса респондентлар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар минимал даражага тушади.

Шунингдек, Жаҳон банки тавсиялари асосида янги сўровномалар ишлаб чиқилиб, уй ҳўжаликлари танлама кузатувларини ўтказиш методологияси халқаро стандартларга мос ҳолда такомиллаштирилди. Бугунга қадар республика бўйича жами 10 000 та уй ҳўжалиги ўрғанилган бўлса, аҳоли турмуш даражаси маълумотлари сифатини ошириш ҳамда турли тоифадаги фуқаролар қатлами камровини таъминлаш мақсадида уй ҳўжаликлари кузатувлари танланмаси ҳажмини бoсқичма-бoсқич 20 000 тага ошириш режалаштирилмоқда. Хусусан, 2021 йилда 12 000 та уй ҳўжалигида кузатув ўтказилади. Ўшбу ишларнинг тизимли амалга оширилиши мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасига оид барча кўрсаткич ва маълумотларни аниқ ҳамда ҳаққоний шакллантиришда муҳим омил бўлади.

Медиа-тур



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун электр энергиясиз фаровон ҳаёт ҳам, ривожланган иқтисодиёт ҳам бўлмаслиги кундек равшан. Шу боис, мамлакатимизда узоқ йиллардан буюн электр таъминоти соҳасида йиғилиб қолган муаммоларга тезкорлик билан ечим топиш, халқни рози қилиш, иқтисодиётимизни тезкор тараққий эттириш мақсадида ҳозир соҳа улкан ўзгаришларга юз тутмоқда.

Сўнгги пайтларда электр энергияси ишлаб чиқаришда экологик хавфсиз ва тоза манбаларга ўтилаётганига қарамай, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, юртимизда ҳам соҳанинг энг “огир юки” иссиқлик электр станциялари зиммасида турибди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган жами электр энергиясининг 85 фоиздан ортиғи айнан улар ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Фарғона ИЭМ худудида ва Фарғона шаҳар қозонхонаси РК-3 да юқори самарали когенерация газ турбина қурилмалари технологиясини татбиқ этиш чоралари тўғрисида”ги қарори электр энергияси ишлаб чиқаришнинг замонавий ва самарадор технологияларини бoсқичма-бoсқич амалиётга жорий этиш, ёқилғи-энергетика ресурсларини рационал ишлатиш, ҳудуднинг саноат салоҳиятини юксалтириш ва қўшимча иш ўринлари яратишда муҳим роль ўйнайди.

Мазкур лойиҳа Фарғона водийсининг электр энергияси, айниқса, Фарғона шаҳрида жойлашган саноат корхоналарининг иссиқлик энергиясига бўлган талабни қондиришга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Ана шу мақсадда 2019 йилнинг декабрь ойида лойиҳа доирасида Фарғона шаҳрида 7 МВт қувватли газ турбина муваффақиятли ишга туширилди. Бугунги кунда бу ерда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси миллий электр тизимига ва иссиқлик энергияси Фарғона шаҳрининг Абдулла Қодирий даҳасида жойлашган 3 минг 850 та хонадонли кўп қаватли 77 та уйга узлуқсиз етказиб берилмоқда.

Бу ерда йилига қўшимча 58400,0 минг кВт/соат электр энергияси тармоққа узатилмоқда. Истеъмолчилар 63400,0 Гкал. иссиқлик энергиясидан баҳраманд бўлмоқда. Мазкур ишлар

электр энергияси ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун сарфланаётган шартли ёқилғи сарфи камайишига олиб келди.

Шу кунларда “Фарғона иссиқлик электр маркази” АЖ худудида 17 МВт.ли иккинчи газ турбина қурилмаси қурилиши ҳам нихоясига етказилди.

— Янги қурилма ўта тежамкор технологияга асосланган бўлиб, юқори самарадордир, — дейди Фарғона ИЭМ директори Фарҳод Абдурахмонов. — Ўшбу инвестицион лойиҳани юқори уюшқоқлик билан амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Янги қурилмани тез фурсатларда, яъни йил якунига қадар фойдаланишга топшириш киш мавсумида Фарғона водийси аҳолисини қўшимча электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлашга хизмат қилади. Ҳар бир МВт. электр ва иссиқлик ишлаб чиқаришда 50 фoиз табиий газ иқтисод қилинади. Лойиҳа Фарғона водийси худудида ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши ва барқарор ишлашига имкон беради. Корхонада ҳар йили қўшимча 197,24 миллион кВт/соат электр энергияси, 214,5 минг Гкал. иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Асосийси, 3,2 миллион куб метр газ иқтисод қилинади. Шу билан бирга, бу ерда 125 та янги иш ўрни яратилади.

Айни пайтда юртимизда мавжуд жами электр станцияларининг ўрна тилган қуввати 13 минг 565 МВт/соатни ташкил қилади. Бугунги кунда ишлаб чиқариш эҳтиёжидан келиб чиқиб, 11 минг 711 МВт/соат атрофида электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарори асосида Фарғонада амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 83,6 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 49,5 миллиони Япониянинг грант маблағлари, қолган 34,1 миллиони эса “Фарғона ИЭМ” АЖ-нинг ўз маблағлари ҳисобланади.



Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди “Миллатларо тотувлик ва барқарорликни таъминлашда ижтимоий шерикликни кучайтириш” мавзуида Давлат грантлари ажратиш учун 5-танловни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Фуқаролик, миллатларо ва тинчлик ҳамда тотувлиқни янада мустаҳкамлашга қаратилган фестиваллар, форумлар, танловлар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;
2. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда, мамлакатда олиб бoрилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятга ҳолис ахборот етказишда миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг роли ва аҳамиятини юксалтириш;
3. Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш;
4. Миллатларо муомала маданиятини тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи ва анъаналарини ўрганиш бўйича таълим, ахборот ва маданий-маърифий чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;
5. Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада

ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш;

6. Миллатларо муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш, республикаимизда яшаб турган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш;

7. Жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини кучайтириш, республикаимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувлиқни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш;

8. Миллатларо муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

9. Халқаро ҳамкорлиқни ва чет мамлакатлар



билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш;

10. Мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

11. Миллатларо муносабатларни уйғунлаштириш, жамиятда дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик, жипслик, инсонпарварлик ва бағрикенглик маданиятини мустаҳкамлаш;

12. Дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

13. Ўзбекистон Республикасининг асосий халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга тўқинлик қилаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилишга, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг натижалари ҳақидаги маълумотларни халқаро рейтингларни тузувчиларга етказишда кўмаклашиш.

ДАВЛАТ ГРАНТИ АЖРАТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имzolанган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгариш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари. Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 40 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2020 йил 24 ноябрдан 25 декабргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондунинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Илм-фан

Аброр ЛАТИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
Навоий вилояти филиали бош инспектори

Мамлакат ривожда инсон капиталининг ўрни бекиёс. Давлатимиз раҳбари 2018 йил 17 июль куни умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда бу ҳақда гапириб: “Мақсад — илм-фанни тубдан ривожлантириш, юксак натижадорликка йўналтирилган ихтисосликлар бўйича миллий лабораториялар тизимини яратиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз фани нуфузини кўтариш, асосий мақсадимиз — мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришдир”, деган эди.



ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишига маблаг ахратиш эса инсон капиталига киритиладиган инвестициянинг муҳим қисми ҳисобланади. Жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳар бир қўшимча таълим йили инсон умумий даромадини ўртача 10 фоиз оширишини кўрсатган. Албатта, ушбу жараёнда таълим сифатиغا эътибор ҳам муҳим омил бўлади.

Таълим билан бир қаторда соғлиқни сақлашга маблаг ажратиш ҳар доим қолзарб. Бу касалликлар ва ўлимнинг қисқаришига, инсон умрининг меҳнатга лаёқатли қисмининг ҳамда инсон капиталининг фаолият кўрсатиш вақти узайишига олиб келади.

Мамлакатимизда аҳолининг интеллектуал салоҳияти юқори даражага кўтарилиши иқтисодиётнинг реал секторига инновацион фаолиятни ривожлантиришга замин яратеди. Натижада жамият аъзолари эҳтиёжи доимий равишда қондириб борилади.

Инсон капиталини ривожлантириш дунё бўйича етакчи олий таълим муассасаларини ўз ичига олган рақобатбардош ва мoshлашувчан таълим тизимига асосланган. Шу боис, дунёдаги барча олий таълим муассасаларининг жамоалари ўз олий ўқув юртлари нуфузи ошиши, глобал рейтингда юқори ўринга чиқиши учун курашади.

Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади мамлакатимизнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгилловчи омил — инсон капиталини ривожлантиришдир.



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 21 сентябрдаги фармони билан тасдиқланган 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида мамлакатимизнинг 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтингни бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакат қаторига киришига эришиш вазифаси турибди.

Республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети биринчи 500 та ўриндагилар рўйхатига киритиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш вазифалари белгиланган.

Навоий вилоятида фаолият кўрсатаётган иккита олий таълим муассасаси — Навоий давлат педагогика институти ва Навоий давлат қончилик институти ҳудуд ёшларининг 12,5 фоизини қамраб олган.

Вилоятда “Навоий” эркин иқтисодий зонасига Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой, Сингапур ва бошқа давлатлар инвестициялари жалб қилиниши эвазига янги иш ўринлари ташкил этилаётган

Мамлакатимиздаги ислохотлар шиддати шундан далолат бермоқдаки, Ўзбекистон яқин 15-20 йил ичида Жануби-шарқий Осиёнинг тараққий этган давлатлари сафидан ўрин олади. Биргина рақамнинг ўзи бунга асос бўла олиши мумкин — юртимиз аҳолиси қарийб 100 фоиз саводли. Ривожланаётган давлатларнинг барчаси ҳам бундай кўрсаткичга эга эмас.

бўлса-да, малакали ва замон талабларига жавоб берувчи ахборот технологиялари ҳамда бошқа қатор мутахассисликлар бўйича кадрлар етишмовчилиги сақланиб қолмоқда.

Ҳар қандай мамлакатнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида етарли миқдорда зарур ва юқори малакали кадрларга талабнинг ортиши меҳнат бозоридagi асосий муаммолардан биридир. Жаҳон тажрибасида бундай муаммо “skills gap”, яъни кадрлар бўшлиғи, деб аталади. Бундай муаммонинг асосий сабабларидан бири мутахассис ходимларнинг миқдорий жиҳатдан йўқлиғи эмас, балки фаолият турига қараб, уларнинг зарур малака ва компетенцияга эга эмаслиги ҳисобланади. Ана шу нуктаи назардан қараганда, инсон ресурсларини ривожлантириш, жумладан, ходимлар малакасини ошириш бугунги кўннинг асосий талабларидан биридир. Юқори малака ва кўникмага эга кадрлар ислохотлар самарасининг гаровидир.

Шу мақсадда яқинда вилоятдаги давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган 3152 нафар ходимнинг малака ошириш кўлами ўрганилди. Маълум бўлишича, уларнинг 799 нафари, яъни 25,3 фоизигина у ёки бу соҳада малака оширган ва қайта тайёрловдан ўтган.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда, бошқармалар ва ташкилотларнинг малака оширмаган ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрловдан ўтказиш бўйича “бююртма портфеллари” яратилиб, уларни босқичма-босқич малака ошириш курслариغا юбориш белгиланди. Бу борада Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Самарқанд филиали ҳамда бошқа малака ошириш институтлари ва марказлари билан яқин ҳамкорликда ишланмоқда.

Мамлакатимиздаги ислохотлар шиддати шундан далолат бермоқдаки, Ўзбекистон яқин 15-20 йил ичида Жануби-шарқий Осиёнинг тараққий этган давлатлари сафидан ўрин олади. Биргина рақамнинг ўзи бунга асос бўла олиши мумкин — юртимиз аҳолиси қарийб 100 фоиз саводли. Ривожланаётган давлатларнинг барчаси ҳам бундай кўрсаткичга эга эмас.

Демак, бизга энди бор куч ва имкониятларни сафарбар этадиган, бошқача айтганда, мамлакатни инновацион ривожланиш сари етаклайдиган малакали кадрлар, сифатли таълим берувчи олий ўқув юртлари ҳамда етакчи олимлар керак бўлади.

2020 йилга юртимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб ном берилгани ҳам бежиз эмас. Аслида бундан кўзланган мақсад илм-фан ва таълим-тарбияни янги Ўзбекистоннинг тамал тошига айлантиришдир.

ЮНЕСКО томонидан эълон қилинган “Йўқолиш арафасида турган дунё тилларининг атласи”да таъкидланишича, Европадаги 50 та, Тинч океани минтақасидаги 2000 та, Африка қитъасидаги 250 та тил ҳалокат ёқасида турибди.

Тил — миллий ғуруримиз

ОНА ТИЛИНИ БИЛИШ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Обиддин МАҲМУДОВ,
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг маслаҳатчиси

ТАНҚИД — АЧЧИҚ, МЕВАСИ — ШИРИН

Очилини айтиш керак, навбатдаги йиғилиш ўзига хос бўлди. У танқидий-тахлилий руҳда ўтган бўлса-да, залда кўтаринкилик кайфияти ҳукмрон эди. Тўғри-да, давлат тилини ривожлантириш борасида бундан бор-йўғи 3-4 йил олдин бутун бошли мамлакатда бажарилиши у ёқда турсин, ҳатто ҳаёлга ҳам келмаган ишлар, мана бир йил давомида фаол амалга ошириб келинмоқда.

Ҳа, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг **маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари** фаолияти тахлилига бағишланган йиғилиш мана шундай муҳитда ўтди.

Унда маслаҳатчиларнинг 2020 йилнинг ўтган давридаги фаолиятига тахлилий-танқидий баҳо берилди. Расмийатчилик бир томонга суриб қўйилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида аниқ таклифлар берилди. Мавзу юзасидан қолган бошқа масалалар ҳам атрофлича тахлил этилди. Шу билан бирга, замон талабларидан келиб чиқиб, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди.

“АҚЛИ МУНОСАБАТЛАР” КЎПГИНА ЧАЛҒИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Биз бугун глобаллашув жараёни, текзор ахборот хуружлари даврида яшаямиз. Бундай мураккаб вазият ҳар биримиздан зукколик, оғоҳлик, “оқ”ни “қора”дан ажратадиган мустақил фикрга эга бўлишни тақозо этади. Шу маънода бугунги виртуал оламда айрим ноҳолис ёритаётган хабарлар, ижтимоий тармоқларда турли асоссиз ёҳуд аҳолини чалғитиш мақсадида махсус ташлаб қўйиладиган “муносабат”ларга қарши асосли, аниқ, тўлақонли, бошқача айтганда, “ақлли муносабат” билдириш зарур. Тадбирда бундай ҳолатларда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар асослантирилган текзор муносабатларни билдиришда яқиндан ҳамкор бўлишга чақирилди.

ВАТАН ОСТАНАДАН БОШЛАНДИ

Ҳар бир мамлакатга ташриф буюрган сайёҳнинг ушбу диёр тўғрисидаги илк таассуроти аэропортдан, темир йўл вокзали, умуман, ушбу давлат ҳудуди чегарасига кираверишдаги останадан бошланади. Шу нуктаи назардан, мажлисда режали текширув амалга оширилган бир қатор ташкилотлар, жумладан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир



йўллари” АЖ тизимида давлат тилининг жорий этилиши талаб даражасида эмаслиги мисоллар орқали асослантирилди. Мазкур ташкилотларда аҳволни ўзгартириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

“Биргина Тошкент шаҳрида осойлиқ рекламаларнинг 70 фоизи бошқа тилларда ёзилгандан кейин нима ҳам дейиш мумкин. Тасаввур қилинг, сиз Буюк Британияга бордингиз-у, ердаги барча ёзувлар немис тилида бўлса, қаерга келиб қолдим, деб ажабланмайсизми?! Бизда қаёққа қараманг, пешлавлаларнинг аксарияти ажнабий тилларда. Бу нима дегани, буни қандай тушуниш мумкин?”, деди Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири Абдуғаффор Қўриғзбоев мажлисда мазкур масалалар юзасидан қилган маърузасида.

Шубҳасиз, ота-боболаримиз яқин ўтмишда ўз она тилида иш юрита олмай, эркин фикр билдира олмай, бир умр армонда яшаб ўтдилар. Ахир, бугун упарнинг тарихий орзулари ушлаган даврда умргузаронлик қиляпмиз.

Мустақил Ўзбекистон тарихида Президентимизнинг илк маротаба БМТ минбарига соф ўзбек тилида нутқ сўзлаши том маънодаги сиёсий жасорат ва ҳақиқий ватанпарварликдир. Буни бутун туркий тили давлатлар оммавий ахборот воситаларида билдирилган муносабатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

ОНА ТИЛИМИЗГА ЭЪТИБОР ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДА

Бугун она тилимизга ва унинг макенини ошириш масалаларига эътибор қучайган. “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар орқали ҳам юртимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Хусусан, она тилимизнинг халқимиз ҳаётида ва халқаро миёёсда нуфузини ошириш, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида қамол топтиришга қаратилган устувор вазифалар ва стратегия йўналишлар белгиланиши шулар жумласидандир. Зеро, Президентимизнинг: “Она тилимиз — миллий маънавия-

тимизнинг битмас-туганмас бўлогидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир”, деган сўзлари ҳар биримиз учун дастуриламал бўлиши керак.

МАСЛАҲАТЧИ ХУЛҚ-АТВОРИ(ФИТРАТИ)ДА ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ТУРТ ФАЗИЛАТ

Ҳозирги буюк эврилишлар силсиласида бу ишларга бевосита дахлдор бўлган биз, маслаҳатчиларнинг зиммасига юкланадиган вазифа ҳам ўта масъулиятлидир. Бунда, албатта, ҳар бир маслаҳатчидад керакли билим ва малака, гўзал одоб, интилувчанлик, фидойилик сингари зарурий фазилатларга эга бўлиш талаб этилади.

Ушбуларни назарда тутган ҳолда, мажлисда келгусидаги самарали фаолият юритишлари учун маслаҳатчиларда тўртта асосий фазилат бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Яъни маслаҳатчи, авваламбор, ўз фикрини тўғри, аниқ, лўнда тушунтириб бера оладиган нотик, кенг мушоҳадага асосланган фикрларини баён қила оладиган ўтқир қалам соҳиби, табиятан кучли ташкилотчи ва жамоани ортидан эргаштира оладиган лидер ҳамда жамоада обрўли, ўз мустақил фикрига, ҳамкасблар ҳурматиға сазовор инсон бўлиши лозим. Асосийси, бу вазифада ишлайдиган киши ўз юрти, миллати, тилини жон дилдан севадиган, жонкуяр, ихтимоий фаол, иродаси кучли шахс бўлиши зарур. Ана шундагина бундай маслаҳатчиға суянган ҳолда белгиланган заворли вазифаларни талаб даражасида бажара олиш мумкин.

ТАРАҚҚИЁТ РАҚОБАТ ДЕМАКДИР

Бугун глобаллашув, техника тараққиёти шунчалик жадал ривож топмоқдаки, оқибатда дунёда мавжуд (*статистик маълумотларга қараганда, тахминан етти мингдан зиёд*) тиллардан аксарияти бир-бирига қўшилиб, бирикиб ёки аста-секин йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди.

Дунёдаги етти мингдан зиёд тилдан 14 тасида башариятнинг учдан

икки қисми гаплашади. Бу тилларнинг ҳар бирида сўзлашадиганлар сони эса 50 миллиондан зиёд. Дунёдаги 70 тилда гаплашадиганлар 5 миллиондан кўп бўлса, қолган тилларда мулоқот қиладиганлар 1 миллиондан кам.

Ваҳоланки, ЮНЕСКО томонидан эълон қилинган “Йўқолиш арафасида турган дунё тилларининг атласи”да таъкидланишича, Европадаги 50 та, Тинч океани минтақасидаги 2000 та, Африка қитъасидаги 250 та тил ҳалокат ёқасида турибди. Асримиз охирига бориб, ҳозир мавжуд бўлган тилларнинг тенг ярми йўқолиб кетиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Бундай вазият эса, ўз навбатида, биз — ўзбеклар ва ўзбек тилида сўзлашадиган инсонлар зиммасига залворли вазифаларни юклаши тайин.

Шу маънода, аввало, ўзимиз, яъни шу масалага мутасаддилар она тилимиз қонун-қоидаларини пухта ўзлаштирсак ва тилимизнинг қон томиримиздек бизга яқинлигини теран англасаккина, уни бошқалар ҳам ҳурмат қила бошлайди, билишга қизиқадиганлар кўпаяди. Қараб-сизки, аста-секин тилимиз макеи бошқа миллат ва элатлар назарида ҳам ортиб боради.

Ийгилиш сўнггида ўзаро савол-жавоблар бўлиб ўтди, таклифлар билдирилди, маслаҳатчиларнинг ўз фаолиятида фойдаланишлари учун қўлланма тарқатилди.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Биз, ўзбеклар кўп минг йиллик тириклик синовидадан ўтган, тили, маданияти, санъати асрлар оша сайқалланган ва бошқаларга ибрат бўла оладиган бунёдкор халқ сифатида бугун юртимизга интилаётган дунёни муносиб қаршилашимиз лозим.

Демак, она тилимиз ва ушбу муътабар, латиф тилда сўзлашувимиз бизга ўзлгимизни ифода-лашга асос бўларкан, бу талафут жараёнларда ўз тилимизни асраб-авайлашимиз, унинг тақомиллашувини йўлида фидойиларча меҳнат қилишимизни зарурият қилиб қўймоқда. Бу зарурият ўзбекистонликнинг муқаддас вазифасига айлангандагина, ўз мевасини бера бошлайди.

Анжуман

Гулчирий ИСОҚОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Кураш шунчаки спорт тури эмас, асл моҳиятига назар солсангиз, у — тарбия мактаби. Мамлакатимизда курашни оммалаштириш, уни дунёга янада танитиш, жаҳон спортни дурдонасига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаш натижасида кураш халқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон кураш федерацияси мутасаддилари иштирокида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз бориб, Президентимизнинг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти, амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар юзасидан маълумот берилди.

— Тарихий қарорда белгиланганидек, кураш бўйича нуфузли халқаро мусобақаларни ташкил қилиш, миллий спортимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жиддий муаммолардан бири, — деди Ўзбекистон кураш федерацияси раиси ўринбосари Камолитдин Усмонов. — Қолаверса, спорт жиҳозлари ва кийимлари таъминоти яхшилаш, мураббийлар ва ҳакамларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, уларни тайёрлашга бўлган эътиборни янада қучайти-



риш ҳам қатъий талаб этилмоқда. Бу борада кўп муаммолар қалқиб чиқмоқда. Улардан бири иқтдорли курашчиларни саралаш масаласи. Бунинг учун тажрибали селекционерларга эҳтиёж сезилмоқда. Ҳозирча умидли ёшларни саралаб олиш, асосан, халқ сайиллари билан боғлиқ курашларга боғлианиб қолган. Селекция жараёнини бошқа спорт турларидаги каби 4 босқичда амалга оширишни режалаштирганмиз. Бунда ёш полвонлар дастлаб маҳалларда, сўнг туман, шаҳар, ҳудудлар ва республика миёёсидagi мусобақаларда тобланиб боради.

КУРАШ — ТАРБИЯ МАКТАБИ

Ўз навбатида, Ўзбекистон кураш федерацияси, Миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт, Молия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиларининг 2021 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта вилоятлар марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида кураш бўйича халқаро, “Ўзбек полвони” республика мусобақаларини, хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро турнирларни ўтказиш каби вазифалар курашни оммалаштириш ва полвонларни саралашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида кураш маҳорати мактаблари очилиши ҳам тизимдаги энг катта янгиликлардан бири бўлади. Ушбу маҳорат мактабларига 5-11-синфлардан 350 ўғил-қиз қабул қилинади. Бу ҳам кучли спортчилар захирасини яратишга ва ҳар бир вилоятдан полвонлар етишиб чиқишига йўл очади. Ушбу мактабларда ўқитиш тизимига алоҳида эътибор қаратилади, замонавий ўқув дарсликлари ишлаб чиқиш бўйича вазифалар белгиланган. Унга кўра, 2021-2022 йилларда янги қўлланмалар ишлаб чиқилиши ва илмий ишлар олиб борилиши келажақда курашчиларнинг назарий томондан ҳам улғайишига замин яратеди.

Маълумотларга кўра, ҳозир мамлакатимизда кураш спорт тури билан шуғулланувчилар сони аҳоли нуфусига нисбатан 0,1 фоизни ташкил этса, яқин йилларда бу кўрсаткич 12 фоизга ошиши кутилмоқда.

Мутахассислар фикрича, Президентимиз қарорида кўзда тутилган бу каби чора-тадбирларнинг тизимли амалга оширилиши келгусида курашни Олимпиада ўйинлари таркибига киритиш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади

РАҒБАТ ЧУҚУР БИЛИМ БЕРИШ ВА ЎЗ УСТИМИЗДА ИШЛАШГА УНДАЙДИ

Республикамызда таълим-тарбия соҳасини янада ривожлантириш, ўқитувчи-мураббийлар, педагогларни рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар барча ҳамкасбларимизга ўзгача руҳ, куч бағишламоқда.



Феруза ТИЛЛАЕВА,
Хоразм вилояти Богот туманидаги 12-умумтаълим мактаби
директори, 2-даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби

Жамиятда ўқитувчиларнинг обрўсини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатларини эътироф этиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Президентимиз шу йилнинг 6 ноябрда имзолаган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ана шу эътибор ва эътирофнинг яна бир амалий фидоси бўлди.

Дарҳақиқат, ўз меҳнатидан самара топган, манфаатдорлик қўрган инсон, у қайси касб эгаси бўлмасин, бутун билими, тажрибасини ишга солади ва янада юқори натижага эришиш учун курашади. Шу маънода синф раҳбарлиги учун бериладиган қўшимча тўловларнинг бир ярим бараварга оширилгани, умумтаълим мактабларида янгича инновацион технологиялари, самарали таълим услубларини жорий этишга масъул ходимларга иш ҳақи тўлаш тартиби ўзгаргани айнан кўп сонли педагоглар кутган янгилик бўлди.

Умумтаълим мактаби битирувчиларининг олий ва профессионал билим юртларига кириши, иш билан таъминланиши кўрсаткичлари юқори бўлган жамоаларнинг раҳбарларини моддий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилиши соҳада соғлом рақобат ва муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Муқаддам ана шундай рағбатлантириш тизими йўлга қўйилмагани айрим педагогларнинг ўз имконият ва қобилиятларини рўёбга чиқаришига монелик қиларди. Чунки қанчалик жон қуйдирмасин, ўқувчилари юқори натижага эришмасин, қуруқ “раҳмат”дан нарига ўтилмасди. Таълим беришда рақобат муҳити йўқ эди. Мактаб маъмурияти томонидан эса бир парча “Мақтов ёрлиғи” бериларди, холос.

Давлатимиз раҳбари моддий рағбатлантириш тизимини айнан келажакимиз эгалари бўлиши ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашнинг мезонларидан бири сифатида йўлга қўяётгани бежизга эмас.

Моддий ва маънавий рағбат ҳақида гапирарди, буни ўз ҳаётим мисолида ҳис қилдим. Ёш авлодга ўттиз йилдан буюн таълим бериб келаман. Таълим тизимида сўнгги йилларда эришилган ютуқлар, тизимга жорий қилинган янгиликлар қисқа муддатларда ўз мевасини бераётганига ғувоҳ бўлиб турибмиз. Бу фақат менинг эмас, балки барча ҳамкасбларимнинг эътирофи. Сўнгги уч йилда тизимда кўп янгиликлар жорий этилди. “Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш” тарғибот тадбирлари барча ташкилотлар, шу жумладан, барча таълим даргоҳларида ҳам ташкиллаштирилгани биз педагогларга билдирилган ишонч намунасидир.

Бугунги авлод кечаги авлод эмас. Дунёқараш ўзгарган, жаҳонда рўй бераётган воқеаликларга ўз нигоҳи билан қарайдиган, матбуотда, ижтимоий тармоқларда ўз нуқтаи назарини баён қила оладиган авлод ўсиб келяпти. Шу маънода вақт педагоглардан ҳаёт оқими-дан бир қадам олдинда бўлишни талаб қилмоқда. Бу эса билим ва тажрибасини муттасил ошириб боришни, воқеалардан ҳақиқат хабардор бўлишни тақозо этади. Ана шундай иш мезонига етишсак, пировардиди ўзимиз кутган самарага эришамиз.

Ёшлар — келажакимиз

МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ



Файзулло ЭРНАЗАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори

Ёшларнинг маънавияти, маърифий даражаси жамиятнинг пойдеворида муҳим асос бўлади. Ҳар қайси жамият, ҳар бир давлат ва миллат қудрати унинг табиий бойликлари, ҳарбий кучига ва ҳатто ишлаб чиқариш технологияларига ҳам боғлиқлиги нисбийдир.

Уни, биринчи навбатда, дунёга танитадиган омил юксак маданиятда ва маънавий баркамол инсонлардир.

Биз соғлом киши деганда, фақат жисмоний соғломликни эмас, балки ахлоқ-одоб ва уйумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз. Мамлакатимизда демократик жамиятни барпо этишда баркамол авлодни воғая етказиш стратегик аҳамиятга эга ва бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Албатта, Шарқнинг буюк алломалари асарларида комил инсон масаласи доимий равишда етакчи ўрин тўтиб келган. “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчлиги ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”, — деган эди ўзбек жадид адабиётининг ийрик маърифатпарвар адиби Абдулла Авлоний.

Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар.

Комил инсон деганда биз, энг аввало, онги юксак, мустақил фикрлайдиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли инсонларни тушунамиз.

Инсон руҳияти соғлом бўлса, ўзлигини англаса, етук шахсга айланади. Киши шахс даражасига кўтарилсагина, яъни ўз мустақил фикрига, сўзига, дунёқарашига, инсоний фазилатларга эга бўлгандагина жамиятдаги ислохотларнинг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади.

Глобаллашув даврида интернет тармоғи инсон онига кучли таъсир ўтказишини чуқур англаган ҳолда, ёшларимизда миллий руҳият, маънавий асос ва мерос эгалликларини сақлаб, маданият даражаларини юксалтиришга қаратилган ҳаракатларимиз самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу жараён педагоглар жамоасининг бурчи-га, давр талабига айланиши лозим. Ёш

авлод эҳтиёжларини ҳисобга олиш, психология фанининг имконият ва қўниятларига асосланиб, одоб-ахлоқ, умумий маданиятларини юксалтиришга қаратилган доимий иш юритиш зарур.

Биздан ёшлар тарбиясида жуда зарур бўлган тарихий илм-фан, адабий, санъат меросимизни, инсон маънавияти, ахлоқи, хулқига бағишланган ноёб дурдоналар аҳамиятини чуқур англаб, сақлаб қолиш заруриятини яна бир бор эслатиб, уларни амалий, тизимли қўллаш имкониятларини излаш ва самарали фойдаланиш талаб этилади.

“Донишманд ва олимларнинг ахлоқини ўрганиш яхши хулққа етказди, ёмон хулқни эса ўлдиради. Яхши хулқ яхшиликнинг аломатидир”, деган эди Абу Райҳон Беруний. Миллий меросимиздаги ноёб асарлардан фойдаланишда ҳаракатларимиз шакл ва услубиятларини кенгайтириш мақсадида маданиятимизнинг бой қатлами бўлмиш инсон қадриятларини жамлаштирувчи азалий анъана, одобу ахлоқ, сўз ва дил хазиналари меросини ёшларимиз қалбига ва шуурига синдириш ниятида ҳадис, ҳикмат ва санъат асарларидан фойдаланиш ўринлидир.


Қалби зугулик билан йўғрилган ватанпарвар ижодкорларимиз келажак авлодларга маънавий бойлик қолдириш, юрагидан бир бўлак қўшиб ҳада этишни бахт билиб яшаганлар. Ана шундай сажий қалб, етук ватандошларимизга, фарзанд ва шогирдларимизда ҳавас туйғуларини уйғотиш ҳаракатида бўлишимиз, намунали фазилатлар ҳар бир инсон тафаккурида бўлмоқлиги зарурлигини тушунириб, зугуликча интилишларини қўлланганимиз, бу ишни педагог-мураббийлик хизмати-мизнинг тожи деб билишимиз лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё меҳиссида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, деган даъвати амалга ошишига ҳар биримиз масъулмиз.

Нуқтаи назар

Ҳаким САТТОРИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Салтанатлар тарихида инсон қалби учун кураш асосий муҳораба майдони бўлиб келган. Негаки, буюк қудрат ва истеъдод соҳиби одам фаолиятида кечадиган жами хатти-ҳаракатлар қалб амри билан юзата келади. Агар шахс ўзини ўзи бошқарадиган даражада руҳоний қудратга эга бўлмаса, уни ҳеч қандай ташқи куч идора қила олмайди.



ҚАЛБ БЕДОРЛИГИ

буюк Уйғонишга олиб боради

“Қалб” сўзининг маънодош шакллари кўп: кўнгли, дил, юрак... Баъзи мутафаккирлар қалбни худди юрак ёки ўпка сингари мавжуд ўзв ҳам дейишади. У вужуднинг маълум қисмида кичкина халта шаклида бўлар экан ва қоп-қора қон билан тўлиб турар экан. Агар одам ноқоиз ишларга ружу қўйса, қон ранги оқариб бораверар (бу қалбининг ўлгани аломати) экан. Худди шу ўринда қалб шифоси ҳам, қалбни забот этувчи йўл ҳам фақат тафаккур орқали амалга ошишини таъкидлаб қўйишга мажбуриятлимиз.

Бундай мулоҳазаларга Президентимизнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Ҳаммамиз тушунамиз, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ... учун, аввало, излаб-минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак”, деган сўзлари туртки бўлди. Дарҳақиқат, ҳар қандай ишнинг, ташаббуснинг оқибати кадрлар (бу ўринда маълум мақсадга йўналтирилган хизматчилар)га боғлиқ. Сир эмас, юртимиз истеъдодлар ватани, бу ҳақиқатни тарих ҳам, бугунги кун ҳам тасдиқлайди. Агар ана шу чўнг ҳақиқатни айни пайтда дадил ўртага ташланган Ренессанс ғояси билан бақамти қўйиб, мулоҳаза юритилса, ўйлаб қўрадиган қўллаб масалалар юзата чиқади.

Ахир буюк мақсадга етишиш учун буюк азму шижоат ҳам керак-да. Ана шу азму шижоат кадрлар, яъни ватанимиз фарзандларининг ғайрати, саъй-ҳаракати билан юзата чиқади. Бу ҳол ҳам оқиқ эътироф этилган: “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади”. Албатта, нима қилиш лозимлиги, қандай юмушларни амалга ошириш соҳа кишиларига яхши маълум, бу ўринда ҳеч ким ақл ўргатишни мақсад қилаётгани ҳам йўқ, муддао аслида битта: Ренессанс ғояси бутунлай бўш жойда пайдо бўлмаганини ва уни юзата чиқаришда асослар мавжудлигини таъкидлаш, шу мақсад йўлида тарих тажрибасидан самарали фойдаланиш заруратини кўрсатишидир. Зеро, икки марта дунёни ҳайратга солган юртимиз учинчи марта ҳам тамаддун осмонидида парлашга қодир.

Шу ўринда “Ренессанс” тушунчасида муҳассаслашган маъноларни бир қур эсга олиш ва бугунги кунда унга мурожаат этиш зарурати нимадан пайдо бўлгани юзасидан шахсий мулоҳазаларни баён этишга ўрин бор, деб ўйлайман. Аввало, Президентимиз ўз нутқида Ренессанс масаласини “стратегик вазифа сифатида” амалга қиритилганини ва уни “миллий ғоя даражасига” кўтарилаётганини таъкидлади. Демак, бу тушунча қандайдир моддий борлиқни ифодаламайди, яъни улкан тоғ ёки янгидан барпо этиладиган маҳаббатли иморат эмас, балки тафаккурдаги, фикрдаги ва, албатта, амалиётдаги эврилишдир (худди буюк китобимиз “Авесто”да таъкидланганидек, “Эзгу сўз, эзгу амал, эзгу ният”). Табиатида бундай олижанобликка ўрин бор. Халқимиз “Ният-ни ҳолис қилинг, мақсадни баланд олинг”, деган панд-насиҳатларни кўп ва ҳар доим такрорлайди. Яна дилга қувват берадиган томони — тарихимизда рўй берган икки Буюк кўтарилиш бу ҳаракатга тағ-замин бўлади.

Маълум бўладики, ренессанс — уйғониш мудроқлиқи, ҳафсаласизлик ва бошқа лоқайдликлардан воз кечиш, борлиққа уйғонган, ҳушёр тортган одам

назари билан қараш, шунингдек, ҳар бир воқеликни, унсурни тийрак нигоҳ билан баҳолаш ва, албатта, ҳаракат — амални ҳам ўзгартириш дегани. Шундай тасаввур қилишимиз керакки, Ренессанс — Уйғониш деган сўзлар тилга олиними, айниқса, бу миссияни давлат раҳбари баҳардими, демак, ўша лаҳзадан Ренессанс — Уйғониш бошланди. Энди жами саъй-ҳаракатларимиз, амалларимиз, фикр-ҳаёлимиз ана шу мезон билан ўлчанади. Менинг назаримда, Ренессанс тушунчаси қандайдир бурчакли, статик, барқарор турадиган моддий унсур эмас, аксинча, доимо ҳаракатдаги, гилдираксимон тушунча (худди “тарих гилдираги”, “тараққиёт гилдираги” дегандек). Ренессанс-ни бу ҳолатда тасаввур қилишнинг ўзи мазкур жараён тинимсиз ҳаракатни тоқозо этишини ҳам тасдиқлайди. Масаланнинг битта истисно томони — бу гилдирак нуқул жойида айланадиган эмас, фақат олға ҳаракат қиладиган бўлиши шарт. Зеро, олға ҳаракатгина моҳиятини ифодалайди, бу ғояни тақлиф этишдан мақсад ҳам эришилган ютуқлар билан мамнуну хушбахт ҳолда сарафроз бўлиб эмас, балки мудом изланиш, интилишда бўлиб яшашни кўзда тутган.

Бундай эзгу ният яқин тарихимизда бўлгани эътиборли далил. Бу ҳақда ўйлаганда, кўз олдимизга атрофга назорат истаб жовидар қараётган жадид болболаримизнинг умидвор нигоҳлари келади. Эҳ, улар нималарни орзу қилмагани, қандай саъй-ҳаракатларини бошламагани?! Давлатимиз раҳбари амалга оширилажак эзгу ишларда жадидлар, умуман, яқин тарихимизда ўтган илгор кишиларнинг ғояларини таянч дастуриламал қилиб олишни қайта-қайта таъкидлаётгани, бу ҳол ҳам тарихий адолатнинг тикланиши, ҳам бемаврид хазон бўлган орзуларнинг янгидан япроқ эйишига даъватдир. Қолаверса, бу борадаги саъй-ҳаракатларга ўша кунлар ғайратини вобаста қилиш, уларнинг азму шижоатини мустақил юрт бағридан туриб давом эттириш ҳам меросимизга муҳаббат, ҳам авлодлар давомиёлигининг рамзи бўлади.

Ренессанс умуммиллий ғоя даражасига кўтарилса, у турли табақалар ва қарашдаги ватандошларимизни бирлаштириш қудратига ҳам эга бўлади. Ахир ҳар қандай мақсадга бирлашгандагина тўла эришиш, бирлашиш орқалигина юксак марраларни эгаллаш мумкинлиги ибоботларига ҳақиқат. Бирлашиш олға ҳаракатни таъминлар экан, олға юриш учун ҳамма бир томонга қарashi (худди намоз пайти жами муслимлар қиблага ўз бургандек) талаб этилади. Ҳамма манзилни бир тарафга қараб олса, саф олға силжийди. Бу ўринда Ренессанс ғоясини ана шундай барчанинг нигоҳини бир тарафга қаратадиган ва илгари чорлайдиган маёқ ўрнида тасаввур қилиш мумкин.

Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши ҳам қўлларнинг бирлашуви маҳсули эди. “Бир ёмоннинг бир яхшиси” деганларидек, Чор босқинининг бошланиши билан унга бўлиниб ётган чегаралар очилди, зулм қиличи остида қон қақшаган хонлик ва амирликлар ўзаро ички аразлардан воз кечиб, имкониятларни ягона душманга қарши йўналтириш заруратини сездилар. Ана шу ҳаракатнинг бошида турган илгор зиялилар “жадидлар”, яъни янгича қарашдаги кишилар номини олди. Уларнинг

мақсади хурофот ва бидъатга ўралган эски тартибларни синдириб, дунёда кечаётган жараёнларга ҳамоҳанг янгиликларни ижтимоий ҳаётга олиб кириш эди. Айни ўша кунлар ҳақида В. Нави-киннинг бирмунча аниқ ва холис тасаввур уйғотишга ёрдам берадиган “Туб-жойликлар: олдин ва ҳозир” китобида XX аср бошида Ўрта Осиёда юзата келган биқик ва мазлум ҳаёт тарзи юзасидан далиллар келтирилган. Маҳалли амалдорлар, мутаассиб дин пешволари аҳолини оғир балоларга гирифтор қилган, зулм ҳаддидан ошган, дард устига чиққон дегандек, Чор истибдоди ҳам халқнинг силласини қуритган шароитда ҳамма наҳот истарди. Шундай вазиятда жадидларнинг пайдо бўлиши зулмат қўлиндаги момақалбдордек таъсир қилган. Улар қарийб икки ўн йилликдаги саъй-ҳаракати билан кўп нарсаларга эришганди.

Қизилларнинг пайдо бўлиши билан эрк истигадиги ҳар қандай ҳаракатларга чек қўйилди. Шўро тартиблари ўз моҳияти билан чоризм истибдодидан ҳам қонхўрроқ чиқади; унинг таъйиқи билан илгор қарашлар барбод бўлди, жадидлар ҳам, уларнинг издошлари ҳам шафқатсиз жазоланди. Шундай қилиб, бошланган тўпқин соҳилга етмай, пўртаналар қаърида маҳв бўлди. Шукроналар бўлсинки, худди қишда уяларини тарк этган қушлар яна баҳорда масканларига қайтгани каби, пўртаналар босилиб, озод тўпқинлар қирғоққа шошган каби, юксак олижаноб мақсадлар билан яшаётган юртимизда ўша кунлар шуқуқи пайдо бўлди. Бугунги авлод болалар қўлидан тушган туғни маҳкам тутиб, ойдин манзиллар сари боришга ҳаҳд қилди. Шубҳасиз, Учинчи Ренессанс тўпқини ўтган асрларда шу орзу билан яшаган болалар амалидан куч олади, ўша ҳаракатнинг мантйиқ давоми бўлади. Мустақил ва озод юртимизда бунинг учун барча имкониятлар муҳайё. Зеро, тарихий тафаккур илдин қанчалик чуқур бўлса, ҳаққа шунча яқинлашилади, ҳақ ва ботилин шунча тез ва аниқ ажрата олиш мумкин бўлади.

Жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг кейинги авлодларга қолдирган васиятидан сўнггиси “Болаларни мактабга беринг!” деган қатъий талаб бўлган. Зеро, мактаб — маърифат маскани, тафаккур парвоз олаётган даргоҳ. Ахир дунёнинг ўзгариши, аслида, тафаккурнинг ўзгариши эмасми? Инсон авлодлар алмашгани сингари муттасил ўзгаришлар доирасида яшайди. У буюк янгиликлар ибодориди, аммо истисно тарихида ҳолат шунки, одам физиологик мавжудот сифатида яралгандан бери икки қўл-оёқ, ўша қўз-қулоқ билан ўзгармасдир, фақат унинг тафаккури ўзгарган ва мана шу ўзгариш борлиқда ҳам улкан янгиликларни юзата келтирган. Ҳаммасининг фикрдан бошланиши, руҳониятдан бошланишининг мантиғи шу. Демак, инсоннинг фикри ўзгарса, янгиланса, уйғонса, у яратиш, бунёд қилишга қодир бўлади. Юртимизда кечаётган Учинчи Ренессанснинг асоси ҳам шун: қалбни уйғотиш билан тафаккурни янгилаш ва шу орқали ватанимиз салоҳиятини намойиш этиш. Бинобарин, зуваламизда бўлган буюк яратувчилик ҳужайралари ҳаракатга келади ва тарихимизда кечган шуқуқли даврлар XXI асрда ҳам айни ҳақиқатга айланади.

Ҳаким ИҲУДШЕВ оғлан суратлар.